

дәрежелерди жазып алды хәм оларды Орайлық Азияны изертлеу бойынша Француз институты (IFEAR), Францияның мәмлекетимиздеги елшиханасы, Париж мәдений орайы, Канаданың Альберта университети, ЮНЕСКО шөлкемининң ўәкилханаларына хәм басқа да усы бағдардағы мәкемелерге қолжазба халында, аудио-видео материаллар түринде тапсырды.

Улыўма, Ф. Мотрдың бул ислери қара эпосларына байланыслы музыка фольклорын жақын сырт еллерге таныстырыўды үлкен табыслы қәдемлерден болды.

Бул бағдарда 2003-жылы Нөкисте откерилген «Түркий тиллес халықлар фольклорында халық көркем өнери» атамасында откерилген халықаралық конференция да айрықша хызмет атқарған факторлардан болғанлығын атап өтиў орынлы. Айрықша Германиялы алым, Бонн университети профессоры Карл Райхлдың «Едиге» хәм басқа да қарақалпақ халық дастанларынын өзгешеликтери ҳаққында жасаған баянаты илимий жәмийетшиликте үлкен қызығыўшылықлар оятты.

Карл Райхлдың қарақалпақ эпосларын сырт еллерге таныстырыў да буннан да басқа хызметтери көп хәм орны гиреўли, әлбетте, бул мәселе өз алдына сөз өтиўди талап етеди.

Улыўма, бул илимий –теориялық конференцияда жасалған баянатлар, менен шығып сөйлеўде ортаға тасланған пикирлер сырт ел алымларына қарақалпақ дастанынын, жыраўшылық өнеринин сағалары жүдә ерте дәўирлерге барып ушласатуғынлы, оның рәңбәрең түр хәм мазмунларға ийе екенликтери менен бирге, қарақалпақ халқының әйемнен эстетикалық талғамы жоқары дәрежеде раўажланған мәдениетли, билимли халық екенлигине және бир мәртебе үлкен исенимлер пайда етти.

Усы орында және бир айта кететуғын факт кейинги он жыл даўамында түркий дүнья халықларына өз мәмлекетин «Мәдиярстан» атамасы менен таныстырып киятырған мажарстанлы ямаса венгриялы

изертлеўшилер де қарақалпақ халқының мәдениетти хәм фольклоры менен қызықсына баслады. Усы мақсетте Венгрия мәдениет министрлигининң ўәкиллери, илимпазлар үлкемизге келип, қарақалпақ атқарыўшыларының өнерлери менен танысты хәм миллий фольклорымыздағы соңғы жаңалықларды пүткил Европаға таныстырды. 2012-жылы Мәдиярстан мәмлекетинде өткен Туран қуралтайына қарақалпақ делегациясын да шақырды хәм бизиң фольклорлық материалларымзды бағдарламаға енгизди. Сол жерде жас талант ийелери Саламат Аяпов «Алпамыс» «Едиге» дастанларын жырлаған болса, Зәмийра Әлиева «Қырық қыз» дастанынан Гүлайым образын сахнада көрсетти. Ең баслысы, халқымыздың өзлиги, мәдениетти хәм бай фольклоры менен қызығыўшылар қарақалпақ тилин үйрениўге айрықша инта биилдирип, жәрдем бериўлер соралды. Сол тийкарда Мәдиярстанға қарақалпақ тилиндеги сабақлық, әдебиат хәм басылымларды жеткизип берилди хәм айырым материаллардың электрон варианларын усынылды. Нәтийжеде бир неше жылдан берли Венгрияның ең белгили Сегед университетинде қарақалпақ тили курсы оқытылмақта. Усы илимий дәргайдағы излениўшилер де иси менен шуғылланбақта.

Соны да айтпақшымыз, тек усы көрсетилген орынларда ғана емес, соңғы ўақытларда корейлы, япониялы, ираклы, кипрли, швециялы изертлеўшилер де қарақалпақ фольклорын изертлеў, халық тарийхын үйрениўге кең кеўил аўдармақта.

Жуўмақлап айтқанда, сырт ел алымларының қарақалпақ фольклорына соның ишинде эпосларына болған интенсив рәўиштеги бул қызығыўшылықлары өз гезегинде қарақалпақ халқының бай қәдириятларға ийе екенлигининң, соның дүньяда тән алынғанлығының хәм тарийхының мыңмың жыллықларға ушласатуғынлығының, миллир руўхының мәңги жасайтуғынлығының, улығлана беретуғынлығының нышаны.

Әдебиатлар

1. Боровков А.К. Вопросы изучения тюркоязычного эпоса народов Средней Азии и Казахстана. / «Вопросы изучения эпоса народов СССР».- Москва: Изд. АН СССР, 1958.
2. Мақсетов Қ. Қарақалпақ фольклористикасы. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1989.
3. Райхль К. Тюркский эпос: традиции, формы, поэтическая структура (перевод с немецкого В. Трейтер). –М.: Восточная литература, 2008.

РЕЗЮМЕ

Мақолада «Қоблан» достони мисолида қарақалпақ эпосларининг чет эл олимлари томонидан ўрганилған асосий илмий аспектлари кенг таҳлил қилинади. Шунингдек, ушбу солиштирма-типологияк тадқиқотларнинг қорқалпақ эпосларининг чет элларда ўрганилиш тарихида тутған ўрни ишончли илмий-назарий фактлар асосида белгилаб бериледи.

РЕЗЮМЕ

В статье проводится подробный анализ основных научных аспектов каракалпакского эпоса, изучаемых зарубежными учеными на примере эпоса «Едиге». Также на основе достоверных научно-теоретических фактов будет определена роль данных сравнительно-типологических исследований в истории изучения каракалпакского эпоса за рубежом.

SUMMARY

The article provides a detailed analysis of the main scientific aspects of the Karakalpak epics studied by foreign scholars on the example of the epic "Edige". Also, the role of these comparative-typological studies in the history of study of Karakalpak epics abroad will be determined on the basis of reliable scientific and theoretical facts.

ИНТЕРВЬЮ ЖАНРИ ТАСНИФИ ТАҲЛИЛИ

П.Алламбергенова – докторант

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Таянч сўзлар: интервью, жанр, тасниф, репортёр, журналистика.

Ключевые слова: интервью, жанр, классификация, репортёр, журналистика.

Key words: interview, genre, classification the reporter journalism.

Журналист фаолияти давомида зарур маълумотларни ҳужжатлар ва бошқа манбалар, албатта, ахборот ташувчи одамлар билан мулоқот қилиш орқали олади. Мулоқотнинг ҳар қандай жараёни савол-жавоб шаклида давом этади. Журналистика фаолиятидаги савол-жавоб илмда интервью деб юритилади. Дастлаб интервьюга қуйидагича таъриф берилган: “Интервью (инглизча interview, интервью — том маънода учрашув, суҳбат) — журналист билан сиёсий, жамоат ёки бошқа давлат арбобининг долзарб мавзудаги суҳбат

жараёнидир. Интервью XIX асрда, даврий матбуотнинг жадал ривожланиши даврида, мулоқот ижтимоий аҳамиятга эга маълумотларни асл манбадан (унинг ташувчисидан) олиш усули сифатида кенг тарқалиб кетган даврда журналистиканинг асосий жанрига айланди [1:136-137].

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида интервью жанрининг пайдо бўлиши ўтган асрнинг 20-30 йилларига тўғри келади. 60 йилларда Қорақалпоғистон телевидениесида биринчи монолог

интервью эфирга узатилган. Унда АССР Жўқорғи Совети Президиумининг раиси Д.Е.Ешимбетов томошабинларни қоракалпоқ халқининг ҳаётидаги маданий янгилик, яъни Нукус телестудиясининг ишга тушуши билан табриклади [2:99].

Айрим давлатларда “80 йилларнинг охири – 90 йилларнинг бошларида жуда узок (бир ярим соатлик) дастурларда соф шаклда телевидение интервьюларининг ёрқин намуналари деярли биринчи марта маҳаллий телевидениеда эстониялик журналист У.Отт томонидан “Телевизион танишув” циклида намойиш этилган” [1:139] - деган маълумотлар бор.

Интервью жанрига турлича таърифлар берилган. Масалан, “интервьюлар асл манадан долзарб маълумотларни олиш ва шу билан бирга томошабинларни бевосита ушбу маълумот ташувчиси – аниқ шахс билан таништириш имконини беради” [3:32]. Ҳиндистонлик олим К.М.Шривастава “Интервью журналистикада ахборот олишнинг асосий усулидир” [4:26], АҚШда чоп этилган “Оммавий ахборот воситалари лугати”да: интервью – бир шахснинг бошқа шахс ёки шахслар гуруҳидан ахборот излаши ва топиши жараёнидир” [5:668], Г.С.Мельник, А.Н.Тепляшиналар “Интервью жанри – журналистнинг саволлар ёрдамида респондентдан тегишли маълумотларни олиш шакли, бошқача айтганда, диалог мулоқотнинг энг табиий воситасидир” [9:124], - дея диалогик жанр сифатида қарайди.

Бир гуруҳ ўзбек олимлари “Интервью – бу савол-жавоблар тизими бўлиб, бунда журналистнинг вазифаси суҳбатдошининг нуқтаи назарини, унинг мулоҳазалари ва “изоҳларини” юкламасдан, иложи борича яхшироқ тақдим этишдан иборат” [8:137], - дейди. Ю.Ҳамдамов “Интервью сўраш, суриштириш асносида тайёрланиб, у ўзида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётнинг турли соҳаларини қамраб олади” [9:165], олим Ҳ.Саидов “Интервью – бу аввало, ахборот тўплаш воситасидир, шу билан бирга у жамоатчиликка янгиликлар ҳақида ахборот бериш учун ОАВда фойдаланиладиган муҳим жанрдир” [10:149], тажрибали журналист М.Асадуллаев “Интервью ўта қисқа ва сермаъно фикрлар мажмуаси сифатида телекўрсатувнинг ғоявий мундарижасини бойитиши ва муаллиф максadini очиш учун хизмат қилиши шарт” [11:23], - деган фикрларни илгари суради.

Интервьюнинг айнан журналистикага тегишлилиги унинг ахборот тўплаш билан боғлиқлигидадир. Хўш, шундай экан бугун интервьюнинг қандай турлари мавжуд. Мавзуимиз доирасида интервью жанрининг таснифига назар ташлаймиз.

1980 йили В.Д.Пельт таҳрири остида нашр этилган китобда интервью қуйидагича тақсимланган. Яъни, “интервью-монолог, интервью-хабар, интервью-диалог, интервью-лавҳа, интервью-фикр, форум ва анкеталар, матбуот конференцияси” [12:227-237]. Наздимизда “ахборот интервью, блиц-сўров, савол-жавоб, тахлилий интервью, тахлилий сўров, суҳбат” [13:80-115] турларини кўрсатади. Тахлилий интервью, тахлилий сўров ва суҳбат жанрларини бирлаштириб суҳбат жанри сифатида қабул қилиб, тахлилий жанрлар гуруҳига киритишни тавсия қилардик. Чунки, ҳар учала турида ҳам негизида тахлил мавжуд. А.А.Грабельников эса “интервью-диалог, интервью-монолог, интервью-хабар, интервью-лавҳа, анкета, интервью-фикр” [14:219] шакллари аниқлаган. “Телевизионная журналистика” китоби муаллифлари эса, интервьюни қуйидагича таснифлашади: интервью-фикр, интервью-факт, интервью-анкета, протоқолаштирилган интервью, ахборий интервью, интервью-портрет, муаммоли интервью [15:185-187]. “Интервью

расмийлаштирилган (мулоқот олдиндан тузилган дастур бўйича) ва расмийлаштирилмаган, эркин (саволлар суҳбат мавзуси, вазият ва бошқалар билан белгиланади) бўлади” [10:124],-деган қарашлар бор. Бу ерда эфир учун эмаслиги ёки монтаж жараёнида эфирга мослаб қисқартириш назарда тутилган бўлиши мумкин деган фикрдамиз.

С.Н.Ильченко “интервьюнинг протокол, ахборий, муаммоли, интервью-сўров, интервью-портрет” каби турларига ажратади [9,10].

Г.С.Мельник, А.Н.Тепляшиналар эса, интервьюни формага солинган (олдиндан тайёрланган дастурга бўйсиндирилган) ва формага солинмаган, эркин (саволлар ҳолатга қараб берилади) ва шу икки тур бўйича интервью жанрини қуйидагича таснифлайди. Демак, биринчи тури бўйича “интервью-монолог, интервью-диалог, интервью-полилог, интервью-суҳбат”, иккинчи тури бўйича “интервью-хабар, интервью-лавҳа” [7:137]. Шунингдек, баҳсли ҳолатда муаммоли интервью жанрини ҳам тилга олади.

А.А.Тертичный “шу ўринда бугунги МДХ давлатлари журналистика илмига янги-янги атамалар, аниқроғи –“ахборий-интервью” ва “тахлилий интервью” атамаси кириб келганлигини таъкидлаш жоиз” [13:312]-дейди. Худди шундай фикрни М.Н.Ким ҳам билдиради: “Ахборий интервью”, “интервью-анкета”, “матбуот сўрови” каби янги турлари ҳам кириб келди” [16:251]. Биз бу фикрга қўшилмаймиз. Негаки, ўтган асрнинг 80 йиллари олим Г.В.Кузнецовнинг таснифига ахборий-интервью мавжудлиги кузатишимиз мумкин [17:93].

В.Л.Цвик интервьюни қуйидагича таснифлайди: Вазифага қараб, интервью-фикр (ҳар қандай вазиятдаги баёнот) ва интервью-факт (маълум бир шахсга маълум бўлган нарса ҳақидаги хабар) ҳамда интервью-протокол, ахборий-интервью, муаммоли интервью, интервью-портрет, интервью-анкета турларига бўлинади. Баъзида турли дастурлар давомида томошабиннинг мавзу ва маълумот борасидаги фикрлари телефон сўровлари орқали ўрганилади. Бу лаҳзали қайта алоқа шаклларида бири, канал ва аудитория, журналист ва унинг тингловчилари, шунингдек, тингловчилар ўртасидаги ўзига хос ижтимоий мулоқотдир” [1:139]. В.Л.Цвикнинг биринчи таснифига қўшилиш мумкин. Аммо мазкур мақоламиз интервьюнинг анъанавий турлари ҳақида бўлгани учун телефон сўровларини кейинги мақоламизда тўхталишни маъқул кўрдик.

“Журналист учун интервью, бир томондан, ушбу маълумотга эга бўлган шахс билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш орқали маълумот олиш усули бўлса, иккинчи томондан, суҳбат, диалог шаклидаги жанрдир” [1:136-137]. Бу ерда ҳар икки тарифда ҳам диалогик жанр сифатида қарашлар мавжуд.

Луғатга интервьюнинг “интервью-диалог, интервью-монолог, интервью-лавҳа, интервью-сукут, интервью-сўров, интервью-фикр, интервью-хабар” [19:99-100] турлари киритилган.

Бир гуруҳ ўзбек олимлари “Интервью жанрини расмий ва норасмий, шакл жиҳатдан информатив ва тахлилий, тузилиши бўйича икки хил интервью-диалог ва интервью-монолог бўлиши мумкин” [23:76] лигини таъкидлайди. Шу ўринда мулоҳаза. Наздимизда интервьюни расмий ва норасмий деб таснифлаш бироз майдалашишдек туюлади. Биз журналистика фаолиятидаги интервью ҳақида тўхталар эканмиз, ҳар қандай интервью расмий интервью деб ҳисоблаймиз. Албатта, интервьюнинг иккинчи тури яъни, тахлилий интервью таснифига қўшилаемиз. Негаки, бугунги кунда журналистика назариясига тахлилий интервью атамаси кириб келган ва таснифда мавжуд.

Олимлар “Интервьюнинг яна бир шакли матбуот анжумани – пресс-конференциялардан олинади ва уларда оммавий ахборот воситалари мухбирларига ҳаётнинг муҳим масала ва муаммоси ҳақида маълумот берилади ҳамда журналистнинг саволларига жавоб олинади. Бу усул умумжаҳон миқёсида кенг қўлланилиб келинади. Республикамизда ҳам ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалалари бўйича пресс-конференциялар мунтазам равишда ўтказиб турилади” [20:76],-деган фикрларни ҳам илғари суради. Бугунги кунда, аслида журналистика назариясида тахлилий жанрлар гуруҳида матбуот конференцияси алоҳида жанр сифатида таснифда мавжуд. Бирор мавзу юзасидан ўтказилган матбуот конференциясида тегишли мутахассис-мутасаддилар журналистларнинг мавзу бўйича турли саволларига жавоб беришади. Натижада мавзу атрофлича ўрганилади, тахлил қилинади. Наздимизда, агар матбуот конференцияси телевидение орқали тўғридан-тўғри ёки ёзиб олинди, тўлиқ эфирга узатилса буни тахлилий жанрлар гуруҳига киритиб, алоҳида матбуот конференцияси сифатида қараш мумкин. Агар мавзуга оид савол ўртага ташланиб, анжуманда иштирок этаётган мутахассис(лар)нинг фақат жавоби алоҳида-алоҳида берилса, унда буни интервью-монолог жанри сифатида қабул қилиш лозим деган фикрдамиз.

Мазкур китобда олимлар “Тўғридан-тўғри мулоқот” рукни остида бериладиган интервьюларда эса бирор бир давлат арбоби кўпчиликнинг саволларига жавоб беради. Бундай ўзига хос интервью кўпинча радио ва телевидение орқали ўтказилади” [20:76],-дейди. Агар олимлар таъкидлаган “Тўғридан-тўғри мулоқот” рукни остида бериладиган яъни, бирор бир давлат арбоби кўпчиликнинг саволларига жавоби тўғридан-тўғри ёки ёзиб олинди, тўлиқ эфирга узатилса, ҳақиқатдан ҳам бу дастурни матбуот конференцияси деб баҳолашимиз мумкин. Биз бу каби кўрсатувни ўз таснифимизда ҳам матбуот конференциясига киритганмиз [21:59-60]. “Бирор мавзу бўйича кўча-кўйда ўткинчилардан фикр сўраш, суд жараёнидан интервью олиш ҳам ана шулар жумласидандир” [20:77],-деган қарашлар ҳам таъкидланган. “Бирор мавзу бўйича кўча-кўйда ўткинчилардан фикр сўраш” блиц интервьюнинг асосий хусусиятларидир.

АҚШ ОАВда интервьюлар турларга бошқача тарзда бўлинган:

“Тасодифий интервью, яккама-якка интервью, жойи келишилган интервью, хотирлаш интервьюси, телефон орқали интервью” [6:668]. Наздимизда америкаликлар жанр нуктаи назаридан эмас, ҳолатга кўра таснифлаган.

Янгича техника ва ёндошувлар туфайли журналистика такомиллашиб борапти. Интервью турли ҳолатларда олиб борилиши мумкин.

“Бугунги кунда интервью-суҳбат билан бирга интервью-кисса, интервью-романлар юзага келмоқда” [24:19],-деган қарашлар ҳам мавжуд. Наздимизда, бу фикрлар босма ОАВ дан келиб чиқиб билдирилган. Гарчанд журналистикада назарий негиз бир бўлгани билан ҳар бир ОАВ ўз хусусиятларидан келиб чиқиб фарқланади. Шунинг учун бу ерда матбуотда эълон қилинган материаллар тахлилидан қилинган хулоса деб ўйлаймиз.

Журналист Саида Арифхонова интервью жанрининг турлари ичида интервью – қарама-қаршилик (интервью-конфронтация) кўринишини ажратган [27:31]. Айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон телевидениеси амалиётида бундай интервью мавжуд, аммо Қорақалпоғистон ҳудудидаги телеканалларда қузатилмади.

“Журналистикада биографик интервьюнинг бир неча турлари қўлланилади: лейтмотив, нарратив, очик интервью, йўналтирилган интервью” [7:103]. Мақсадга

қараб: афористик интервью, интервью-монолог, интервью-спектакл, жамоавий интервью, интервью “иккига бир” (икки машхур шахс ўртасидаги “тенг асосда” суҳбат), интервью-сўров, блиц-интервьюлар” [7:104-105].

В.В.Сыченков: “интервью турлараро жанр шаклидир, бошқача қилиб айтганда, суҳбатнинг мақсади ва натижаларига қараб, ҳар бир аниқ интервью жанрларнинг ахборот, тахлилий ёки бадиий журналистик гуруҳларига тегишли бўлиши мумкин. Унинг таснифида:

- Ахборот жанрлар гуруҳига интервью-хисобот, интервью-репортаж, интервью-сўров, интервью-фикр билан ифодаланани;

- Тахлилий жанрлар – суҳбат (суҳбатдошлар тенг, ҳақиқатни излаш жараёни биргаликда, икки позиция яхши ифодаланган) ва тахлилий суҳбат (муаллиф қаҳрамонни муаммони тахлил қилишга ундайди);

- Бадиий ва публицистик жанрлар - сатирик интервьюлар (М.Горкий), скетч-интервью ва портрет интервьюлар (марказда – суҳбатдош шахсини очиб берувчи” [26:78]. Телевидениеда қайси жанрда ҳар кўрсатув тайёрланмасин, барчаси интервью учрайди. Наздимизда В.В. Сыченков шунинг учун ҳам турлараро жанр сифатида қараб таснифлаган деган хулосадамиз. Лекин интервьюнинг бошқа жанрларда учрагани билан ўша жанр хусусияти устунлик қилишини ҳам эсдан чиқармаслик лозим деб ўйлаймиз.

Интервью турли хил давомийликда бўлиши мумкин: бир неча дақиқадан (агар у янгилликлар, журналистик дастур бўлса) 15-30 дақиқача (агар интервью мустақил кўрсатув бўлса) ёки ҳатто бир неча соатгача.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Маълумки, ҳар бир кўрсатувнинг жанр хусусиятларини ўрганаётганда ҳажмига ҳам эътибор қаратилади. Олим М.Н.Ким интервьюни фаоллик даражасига қараб икки турга ажратади. Яъни, қисқача (10 дақиқадан 30 дақиқача) ва ўртача (соатлаб давом этадиган), баъзан буни интервьюнинг “клиник” тури деб ҳам аташади. Бундай йўсиндаги интервьюлар маълум бир усулда олиб борилиб, фақатгина бир мақсад ва вазифага қаратилган бўлади” [16:109]. Интервью бугунги кун талаб қиладиган интерфаол усулдир. Интервью информатив дастурларда асосан 30 сониядан 1,5-2 дақиқа атрофидаги қисқа (минимал даражадаги) интервьюлар берилади. Бугун аксарият кўрсатувларнинг ҳажми 15-20 дақиқадан ортмайди. Демак, тематик кўрсатувларда интервьюлар ҳажми 2 дақиқадан 10 дақиқача вақтни ташкил қилиши мумкин – бу ўртача меъёр. Биз “40 дақиқа ва бир соат давом этадиган кўрсатувлар ҳам йўқ эмас” [21:59-60], - деган фикрларни билдирган эдик. Аммо сўнгги 5-6 йил ичида интервьюлар ҳажми бироз кенгайди. Буни Ўзбекистоннинг янги Президенти фаолиятининг бошланиши билан изохлаш мумкин. Негаки, янги Президентнинг давлат бошқаруви сиёсати айнан телевидение орқали амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистон ғояси, мафқураси ва ислохотларини намоён этишда мутасадди-мутахассислар билан суҳбатлар ўтказилади. Бу асосан 30-60 дақиқани ташкил этмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, олимлар интервью жанрини таснифлашда амалиёт (ўз объектлари)да мавжуд жанр турларини таснифга киритган. Шундай экан, биз ҳам амалиётни ўрганиб қуйидагича таснифни тавсия қиламиз:

Мулоқот воситасига кўра: классик, мобиль ва он-лайн;

Ҳажмига кўра: қисқа (30 сония -3 дақиқа) ва ўрта (15-30 дақиқа (агар катта ҳажмли деб 30-90 дақиқани кўсатсак, бу суҳбат жанрига айланиб кетади);

Узатиш шаклига кўра: тўғридан-тўғри ва ёзиб олинган;

Ёндошувига кўра ахборий интервью, интервью-монолог, интервью-диалог, интервью-протокол, блиц интервью, интервью-полилог, интервью-сукут.

Интервьюнинг қайси тури қўлланилмасин мақсад керакли маълумотни олиш ва аудиторияга узатишдир.

Адабиётлар

1. Цвик В.Л. Телевизионная журналистика. М.: Аспект Пресс, 2004. -382.
2. Мадримов Т., Мадримов К. Ҳар затнинг ўз тарихи бар. Н.:Билим. 1994. -132.
3. Багиров Э., Борецкий Р., Глуховская Л., Григорянц Н., Кацаев И. Жанры телевидения. М. 1967. -252.
4. Shrivastava K.M. News reporting and editing. Second revised edition –India: New Dehli, 1991. –р.26.
5. Terry Ellmore R. Mass Media dictionary USA. М.: рус.яз. 1992. -668p
6. Ворошилов В. В. Журналистика. Учебник. СПб: Михайлова. 1993.-304с.
7. Мельник Г.С., Тепляшина А.Н. Основы творческой деятельности журналиста. М.: СПб: Питер. 2009. -272.
8. Современная журналистика. Рук. проекта: д.и.н. Ирназаров К.Т., авторы: проф., д.и.н. Нестеренко Ф.П., д.и.н. Ирназаров К.Т., к.ф.н. Маматова Я.М. Т.: Zarqalam, C.137.
9. Ҳамдамов Ю.Тараққиёт мезони. Т.: O'zbekiston. 2013. -216.
10. Саидов Ҳ. Жамиятнинг демократлашуви жараёнида ахборот жанрларининг ривожланиш омиллари. Т.:TA'LIM MEDIA. 2020. -192.
11. Асадуллаев М. Телевиденининг назарий ва амалий асослари: ЎзТВ 65 ёшда (матн+фотоларҳалар). Т.: MUMTOZ SO'Z. 2021. -584.
12. Теория и практика советской периодической печати. Под ред. Пельта В.Д. М.: 1980, С.227-237.
13. Тертычный А.А. Жанры периодической печати. М.: Аспект Пресс. 2000.
14. Грабелников А.А. Работа журналиста в прессе. М.: 2001.
15. Телевизионная журналистика. М.: 1998.
16. Ким М.Н. Новостная журналистика. Учебник. Санкт Петербург. Из.Михайлова В.А. 2005. С.251.
17. Кузнецов Г.В. ТВ-журналист. М.: изд.Моск.ун-та. 1980. -256.
18. Пальгунов Н. Заметки об информации. М.:1967. С.23.
19. Луғат. Журналистика-реклама-паблик рилейшнз. Маълумотнома. Т.: Зар қалам. 2003. -400.
20. Ҳозирги замон журналистикаси. Т.: Aloqachi. 2008. -304.
21. Алламбергенова П. Тележурналистика жанрлари. Т.: Янги аср авлоди. 2004. -120.
22. Мясникова М.А. Телевидение как феномен культуры. Изд. Екатеринбург. Уральского университет. 2017. -140.
23. Мельник Г. Общение в журналистике. 2-е изд, перераб. СПб.: Питер. 2008. -235.
24. Умиров С. Жанр сенга бокмаса. Ўзбекистон матбуоти. 2006. 2-сон.
25. Арифхонова С. Телевизионная журналистика. Т.: 2007. С.31.
26. Коммуникация в современном мире. ВГУ. 2007. -238.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада интервью жанри назарияси, таснифи таҳлил қилинди. Бу борада олимларнинг қарашларига муносабат билдирилди. Шунингдек, ўзимизнинг таснифимиз тақдим этилди.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируется теория и классификация жанра интервью. Были прокомментированы взгляды ученых на этот вопрос. Также была представлена наша собственная классификация.

SUMMARY

This article analyzes the theory and classification of the interview genre. The views of scientists on this issue were commented. Our own classification was also presented.

НУРАБЫЛЛА ЖЫРАЎ МЕКТЕБИ ГИНЕАЛОГИЯСИ ХАҚҚИДА ГЕЙПАРА ОЙЛАР

С.Б.Аяпов – еркин излениўши

Эжинияз атындагы Нөкис мамлекетлик педагогикалык институты

Таянч сўзлар: кўбиз, жирова, жировчилик мактаби, достон, мақол, адабий мерос, урф-одат.

Ключевые слова: кобуз, жирова, школа жирова, эпос, пословица, литературное наследие, традиция.

Key words: kobiz, fat, fat school, epic, proverb, literary heritage, tradition.

Хар бир халықтың өзіне тән жазба хәм аўызеки әдебиятлары бар. Сол сыяқлы қарақалпақ халқының салт-дәстүрлері, нақыл-мақаллары, халық қосықлары, ертекерлері хәм дәстанлары бар. Мине усы халық жырауларын, батырлық дәстанларын ең ески заманлардан берли шеберлік пенен аткарып қиятырған өнер түри бул жыраушылық өнері болып есапланады. Жыраушылық өнері қарақалпақ халқының ертеден қиятырған өнері болып, оны усы күнге шекем атадан-балаға, устаздан-шәкіртке жеткеріп келген бир қанша жыраулардың мийнетлерін айтыўға болады. Тийкарынан жыраушылық шежиреси XIV әсирде Сопбаслы сыпыра жыраудан басланған болса, кейин ала Жиен жырау, Жиёмурат, Халмурат, Дүйсенбай, Айтуўар, Доспанбет, Мүйтен, Шаңқай, Қазақбай, Нурабылла, Есемурат, Ажимурат сыяқлы жыраулар даўам етип келген. Ҳәзирги ўақытта бул жыраулар хакқында қаншалли көплеў мағлыўматты билиўди қәлесекте жазба дәрежелерде оғада аз болғанлықтан өткен жыраулардың әуладлары, шәкіртлері хәм халық арасынан жыйналған мағлыўматлардан пайдаланыўға мәжбурмиз.

Ал, бул мақаламызды сол жыраулардың бири болған Нурабылла жырау мектеби, оның шәкіртлері хәм шынжырма-шынжыр даўам етип келген урпақлары хакқында кеңнен сөз етимиз.

Уллы айтқыш жырау Нурабылла Қаражан улы 1862-

жылы Қарақалпақстанның ҳәзирги Тахтақөпир менен Шымбай районының арасындағы Есим бойы Нәўпир деген жерде дүньяға келген. Әкеси Қаражан етиқшилик етип күн көрген. Ал, жыраушылық қәсиби болса Нурабылладан таралған. Нурабылла балалығынан жыраушылық қәсибине қызыққан болып дәслеп Қанназар, Қали, Турымбет жыраулардан Қоблан, Едиге дәстанын тыңлайды хәм Шымбайдағы Пәлеке жыраудың изине ерип оннан Алпамыс дәстанын үйренеди. Соңынан Нурабылла Хорезмнің Шабат районындағы Ерман жыраудан Шарьяр дәстанын үйренеди. Бирақ Ерман жыраудың үйинде көп жүрмей сол ўақытлардағы «Ақ кийиз» деген саўдагер қаруанына ерип Бухараға барады. Қарақалпақ жырауларында бурыннан қиятырған дәстүри бойынша жыраушылық өнерин жетилистириў хәм ҳақыйқат жырау болып атанып қайтыў ушын Бухараға (Нуратаға) баратуғын болған. Бухараға барып Қалмурат улы Қазақбай деген жырауды излеп табады хәм оның қолында 25-ай шәкірт болып хизмет қылады. Кейин Бухарадан қайтип Хорезм, Қарақалпақ этирап-ларында қолдан-қолға тийдирмейтуғын атақлы жырау болады. Нурабылла жыраудың жырлайтуғын репертуарлары «Алпамыс», «Қоблан», «Шора», «Шарьяр», «Едиге» хәм өзи дәреткен Суржылан деген дәстанлары, тарихый жырлары, толғаў, термелери болған. Ал дәстан атқарғанда пайдаланатуғын сүйикли наамалары